

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВА ХУРИЯТ КАРИМБЕРДИЕВНА

**ЁШЛАРДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
САНЪАТНИНГ ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Худайбердиева Хурият Каримбердиевна
Ёшларда миллатлараро тотувликни шакллантиришда
санъатнинг эстетик моҳияти 3

Худайбердиева Хурият Каримбердиевна
Эстетическая сущность искусства в формировании
межнационального согласия среди молодежи 21

Khudayberdieva Huriyat Karimberdievna
The aesthetic value of art in the formation of interethnic
harmony among youth..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВА ХУРИЯТ КАРИМБЕРДИЕВНА

**ЁШЛАРДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
САНЪАТНИНГ ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fal379 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ғайбуллаев Отабек Муҳаммадиевич фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қорабоев Усмон Ҳосилович фалсафа фанлари доктори, профессор Саломова Ҳакима Юсуповна фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда маънавий-мафкуравий жараёнлар глобаллашуви ва кескинлашуви бевосита дунё халқларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий муносабатларига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида, халқларнинг бирдам ҳаёт кечиришлари, миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни такомиллаштириш ва умуминсоний манфаатларнинг ижобий тажрибаларини умумлаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бундай шароитда миллатлараро тотувликни такомиллаштиришга қаратилган ислохотларни санъат орқали уйғунлаштириш турли миллат вакиллари, айниқса ёшларнинг халқчил санъатга бўлган ихлосмандлигини кучайтириш ва шу асосда ёшлар ўртасида юксак инсоний туйғулар шаклланган эстетик муҳитни шакллантиришни долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўймоқда.

Жаҳон илм-фани тараққиётида миллатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий ва методологик аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш механизмлари тизимида ёшлар онги ва руҳиятида миллий ҳамжиҳатлиликни барқарорлаштириш тамойиллари, миллий муносабатларнинг ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, миллатлараро тотувликни такомиллаштириш омилларида бири бўлган санъатнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш, унинг турли миллатлар учун нафақат эстетик дид мезони, балки ижтимоий масъулият эканлигини кўрсатиб берувчи амалий-фундаментал ва концептуал асосларини ҳозирги давр нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш илмий жамоатчиликнинг тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, мамлакатда яшайдиган фуқароларга уларнинг миллати, дини, тили, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш масаласи давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. “Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди”¹. Шу боисдан, ёшларда маънавий ва интеллектуал салоҳиятни оширишда таълим тизимида объектив ёндашув вужудга келиб, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, маънавий соҳадаги ислохотларга, айниқса миллатлараро тотувлик ғояларига содиқ қилиб вояга етказишда санъатнинг эстетик моҳиятини сингдириш ва бу борада илмий изланишлар олиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018. – Б. 295.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 23 майдаги ПҚ-2993-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ва 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларда миллатлараро муносабатларни кучайтириш ва унда санъатнинг ўрни масалалари жамият тараққиётини белгилаб берувчи муҳим восита сифатида кўплаб олимлар, тадқиқотчилар диққат-эътиборини жалб этган масаладир. Глобаллашув шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омиллари, ёшларда миллатлараро тотувликни такомиллаштириш механизмларини тадқиқ этишга бағишланган бир қатор асарлар яратилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида яратилган асарларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, миллатлараро муносабатлар тушунчаси ўтган асрнинг бошларидан бошлаб илмий тадқиқотлар объектига айлана бошлади. Таниқли Ғарб олимларидан Э.Геллнер¹, Э.Тоффлер, З.Бжезинский, Х.Малик каби мутахассислар ўз изланишларида миллат тушунчаси талқини, миллий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияларини кенг ёритиб берганлар. Ғарб олимларининг ушбу илмий муаммоларга бағишланган асарларини биринчи гуруҳ адабиётлар сифатида эътироф этиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга мансуб адабиётлар сифатида бугунги кунда МДХ ҳамда бошқа хорижий мамлакатларда миллатлараро муносабатларнинг мазмун моҳияти ва фалсафий-эстетик жиҳатларини ифодаловчи асарлари

¹ Гиллнер Э. Устройство общества. Очерк теории структуризации. –М: Академический проект, 2018. 528 с.

билан танилган олимларнинг изланишларини киритиш мумкин. Хусусан, Ю.В.Гегель, Р.Г.Абдулатипов, С.Агаев, К.Г.Гусаева¹, М.С.Джунусов, О.А.Золотарев, В.В.Бычковлар ўз асарларида миллатлараро тотувлик масалаларининг эстетик жиҳатларини ўрганиш баробарида, муаммонинг ечими билан боғлиқ тавсияларини илгари суришган.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни такомиллаштириш ва унда санъатнинг эстетик моҳияти масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш юртимизнинг бир қатор нуфузли олимлари ва тадқиқотчилари эътиборидан ҳам четда қолмаган. Айнан ўзбекистонлик олимларнинг мавзуга доир тадқиқот ишлари учинчи гуруҳ адабиётларини ташкил этади. Хусусан, Т.Жўраев, О.Мусаев², О.Б.Ата-Муртазаев, Б.Р.Каримов³, О.Ғайбуллаев⁴, М.Ганиева⁵, Н.Жўраев, А.Муминов, А.Шер, Б.Хусанов⁶, Н.Назаров, В.Кўчқоров ва бошқалар ўз асарларида миллат тушунчаси, полиэтник давлат, миллатлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш, унда давлатнинг миллий сиёсати, глобал тараққиёт шароитида миллат, маданиятлараро мулоқот шароитида миллатнинг ўрни, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда миллатлараро тотувликнинг ўрни, санъатнинг эстетик моҳияти масалалари таҳлил этилган.

Аммо юқоридаги тадқиқотларда диссертация мавзуси билан бевосита боғлиқ бўлган ёшларда миллатлараро тотувликни такомиллаштиришда санъатнинг эстетик моҳияти масаласига эътибор қаратилмаган. Бу эса тадқиқот ишининг янада долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2020-2022 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” мавзусидаги ПЗ-2020022811 рақамли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшларда миллатлараро тотувлик ғоясини ривожлантиришда санъатнинг эстетик моҳиятини тадқиқ этиш ва илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллатлараро тотувликнинг моҳияти ва шаклланиш тенденцияларини қиёсий таҳлил қилиш асосида санъатнинг эстетик ўрнини ёритиш;

¹ Гусаева К.Г. Стратегия урегулирования межнациональных конфликтов в полиэтнической среде. - М.: 2001.

² Мусаев.О Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривож. Монография. – Тошкент: Истиқлол нури, 2016. -232 б.

³ Каримов Б.Р. Миллат, инсон ва тил: тараққиёт муаммолари. –Қарши: Насаф, 2003. – Б. 132.

⁴ G‘aybullayev O.M. Milliy g‘oya tarixi va nazariyasi. –Тошкент: Fan va texnologiya. 2019. -576 б.

⁵ Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане. Автореферат дисс... докт. социолог. Наук. – Ташкент: 2009. –С. 23.

⁶ Абдулла Шер. ЭСТЕТИКА. Олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари учун тайёрланган дарслик. –Тошкент: 2007. – Б. 182.

ёшлар фаолиятида миллатлараро тотувликни такомиллаштириш имкониятлари тизимида санъатнинг эстетик ўрнини таҳлил қилиш ва бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш;

ёшлар дунёқарашида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг институционал тизимида санъатнинг ўрнини ёритиш;

ёшларда миллатлараро соғлом муносабатни такомиллаштиришда санъатнинг тарбиявий аҳамиятини асослаб бериш;

ёшларда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг эстетик хусусиятларини тадқиқ этиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёшларда миллатлараро муносабатларни такомиллашувига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон ёшлари фаолиятида миллатлараро тотувликни такомиллаштиришда санъатнинг эстетик моҳияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон ёшлари фаолиятида миллатлараро тотувликни шакллантириш жараёнида санъатнинг эстетик моҳияти, хусусиятлари ва механизмларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, структуравий-функционал таҳлил, анализ ва синтез, концептуал назарияларни қиёслаш, социометрик (сўров, анкета, суҳбат интервью) таҳлил каби илмий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшлар фаолиятида миллатлараро тотувликнинг ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорлик, бағрикенглик сингари тамойилларини ривожлантиришда санъатнинг эстетик вазифасидан унумли фойдаланиш зарурлиги фалсафанинг имконият ва воқелик категориялари асосида далилланган;

миллатлараро тотувлик, фуқаровий бирлик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари уйғунлигини такомиллаштиришда санъатнинг конструктив (бирлаштирувчи, барқарорлаштирувчи) аҳамияти эстетиканинг атрибутив категориялари (нафосат ва улуғворлик) контекстида асосланган;

ёшлар онгида миллатлараро номутаносиблик ва ихтилофларни келтириб чиқарувчи омиллар (миллатчилик, иркчилик, космополитизм)ни бартараф этишда санъатнинг мусиқа, бадий адабиёт, амалий санъат сингари эстетик тамойиллари субстанционал асосга эга эканлиги мантиқий далилланган;

ёшлар дунёқарашида миллатлараро тотувликнинг шаклланиши жараёнига санъатнинг эстетик тарбиявий функцияси (театр, кино, оммавий ахборот воситалари) орқали таъсир этиш имкониятлари фалсафанинг сабаб ва оқибат категориялари негизида илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёшларда миллатлараро тотувликни такомиллаштиришнинг назарий методологик масалалари, миллатлараро тотувликнинг моҳияти ва шаклланиш тенденциялари файласуф ва жамиятшунос олимларининг қарашларини

қиёсий таҳлил қилиш асосида очиб берилган ҳамда соҳа вакиллари чоратадбирларида фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилган;

глобаллашув шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омиллари, ёшлар онгида миллатлараро муносабатларни шакллантиришнинг эстетик хусусиятларини кўрсатиб берувчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ёшларида миллатлараро тотувликни такомиллаштириш имкониятлари, ёшлар миллатлараро муносабатларининг такомиллашувига тўсқинлик қилувчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўллариغا оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ёшларида миллатлараро муносабатни такомиллаштиришда таълим ва тарбиянинг аҳамияти, уларда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришдаги асосий мотивлар ва имкониятлар борасида конкрет тавсиялар ишлаб чиқилган, ёшлар учун ташкил қилинадиган ўқувлар, давра суҳбатларини ташкил қилишда улар фаолиятини такомиллаштиришга доир илмий-амалий тавсия ва таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертациядаги асосий хулосалар, илгари сурилган фикрлар, тавсия ва ёндашувлар фалсафа, сиёсатшунослик, социология, эстетика, санъатшунослик, маънавият асослари каби илм соҳаларини илмий жиҳатдан бойитиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини олиб боришда, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ОАВ фаолияти, шунингдек, Ёшлар агентлиги ва унинг тасарруфидаги муассаса ва ташкилотлар фаолиятида қўлланилиши мумкин бўлган ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшларда миллатлараро тотувликни такомиллаштиришда эстетик тарбиянинг роли муаммоларини ўрганиш натижасида олинган хулосалар ва таклифлар асосида:

миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ғояларининг тарғиботи мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи стратегик масала эканлигига доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларидан “Маънавият тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Миллий ғоя – Ўзбекистон халқининг ишонч-эътиқод манбаи” деб номланувчи 14-бобининг мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2586-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда миллатлараро тотувликни

кучайтиришда санъатнинг эстетик моҳиятини назарий жиҳатдан асослаб беришга хизмат қилган;

давлат сиёсатидаги миллатлараро тотувлик, фуқаровий бирлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларининг давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишга таъсирига доир хулоса ва тавсиялардан “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўқув қўлланманинг “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларга берилаётган эътибор”, “Миллатлараро тотувлик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ижтимоий тараққиёт мезони”, “Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўрни” каби мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2784-сон маълумотномаси). Натижада, “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўқув қўлланма мазмунини бойитишга хизмат қилган;

ёшлар ўртасида миллатлараро номутаносиблик ва ихтилофларни келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўлларига оид тақлиф-тавсиялардан “Маънавият тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Миллий ғоя – миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни такомиллаштириш омили” деб номланувчи 16-бобининг “Ўзбекистоннинг кўп миллатли ва поли-этник давлат эканлиги”, “Миллий ғояда турли миллатга мансуб халқларнинг манфаатлари ва мақсадларининг ифодаланиши”, “Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни такомиллаштиришда миллий ғоя ролининг ошиб бориши” каби мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2586-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда миллатлараро тотувликни кучайтиришда санъатнинг эстетик моҳиятини назарий жиҳатдан асослаб беришга хизмат қилган;

ёшларда миллатлараро тотувликнинг шаклланиши жараёнида санъатнинг эстетик тарбия билан боғлиқлигига доир илмий, амалий ва методологик ғоялари, тақлиф ва тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида 2020 йил 8 август куни эфирга узатилган “Ёшлар – келажакимиз” кўрсатувини навбатдаги сонининг дастур сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 24 августдаги 09-01/255-сон маълумотномаси). Натижада, намоёниш этилаётган кўрсатувларнинг маънавий-маърифий аҳамиятини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та илмий-амалий анжуманда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 7 та

мақола (жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 8 та параграфдан иборат уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Шунингдек, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёшларда миллатлараро тотувликни такомиллаштиришнинг назарий-методологик масалалари”** деб номланувчи биринчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, ушбу бобда “миллат”, “миллатлараро тотувлик” тушунчаларининг фалсафий-эстетик жиҳатлари таҳлили тадқиқ этилган. Тадқиқотчи бу тушунчаларнинг жамиятда миллатлар ўртасидаги тотувликка қўшган ҳиссасини шартли равишда учга бўлади. Биринчидан, бу турли миллат, дин, мансаб ва бошқаларни бирлаштира оладиган умумий хусусиятлар, фазилатлар, ёндашувлар ва ҳоказоларни излаш, топиш ва улардан фойдаланиш; иккинчидан, бу ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва батафсиллаштириш (этник гуруҳларнинг фарқлари ва хусусиятларига кўра). Бир томондан, бу фарқлар жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди, бошқа томондан уни тўлдиради; учинчидан, турли миллатлар хулқ-атворининг йиллар давомида шаклланган характери ва хусусиятларини янада шакллантиради.

Миллатлараро тотувлик тенденциялари ривожда диний масалалар алоҳида ўрин тутди. Айрим ижобий диний қарашларнинг қайси бири одамларнинг табиатига мос бўлса ўша қараш оммалашиб боришини кузатиш мумкин. Россиялик олим А. Карнышев диннинг миллатлараро муносабатлар табиатига таъсирини ўрганиб, шундай дейди: “Исо Масих миллатлараро муносабатлар амалиётига нималарни жорий қилди, деган саволга аниқ жавоб бериш мумкин. Демак, насронийлик дунё халқларини миллатларга ажратмаган ҳолда бир дин байроғи остидаги ҳамкорликка чорлаши қўйилган масаланинг умумий ечимига хизмат қилади”¹. Миллатлараро тотувлик

¹Карнышев А. Д. Образы, традиции и культура межнационального мира и согласия. Монография. – Иркутск, ИГУ – 2014. – С.43.

масаласи гарчи глобал, халқаро хусусиятларга эга бўлгани ҳолда, унинг илдизи ҳар бир индивид, ҳар бир шахснинг табиатида мавжуд бўлади.

Миллатлараро тотувлик масаласининг оммалашшига яна бир сабаб, кўплаб янги давлатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг миллий тил мезонларини ички тартибда ташкил этишга бўлган интилишлари билан характерланади. Ассимиляция ҳодисаси натижасида ёки куч орқали таъсир қилиш натижасида янги давлатлар тил даражасида гомогенлашувни амалга оширдилар. Ассимиляция ихтиёрий характерга эга бўлиши мумкин – янада жозибали маданият, миллатлараро ва динлараро никоҳ ва бошқа жараёнларга жалб қилишдир. Шунингдек, миллатлараро муносабатларда мульткультурализм ғояси ўртага ташланган. Замонавий Европада мульткультурализм, биринчи навбатда “Учинчи дунё” мамлакатларидан келган меҳнат муҳожирларининг миллий-маданий элементлари ва маҳаллий элементларнинг аралашиб кетишини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида келтириб ўтилганидек, “Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган”¹.

Илмий луғатларда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи ёки, аксинча, тўсқинлик қилувчи бир қанча терминлар мавжуд бўлиб, жумладан, миллатлараро муносабатлар, этнос, миллатчилик, шовинизм кабиларни ёшларимиз яхши тушунишлари лозим.

Миллатлараро муносабатлар турли миллатлар, элатлар, этник гуруҳларнинг ўзаро ҳамкорликдаги маданияти ва санъати фаолияти натижасида ривожланади. Улар ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий муносабатлар кўринишида шаклланиб тараққий этиб боради.

Ёшлар Ўзбекистон жамиятининг фаол ижтимоий бирлигидир. Шу сабабли давлатнинг миллий сиёсатини амалга ошириш доирасида миллатлараро ўзаро ижобий муносабатни шакллантириш ва ёшлар ўртасида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада “Ўзбекистон ёшлари – 2030” Концепциясида мўлжалланганидек, ёшлар ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва ёшлар ўртасида миллий муносабатларнинг эстетик хусусиятларини ривожлантириш соҳасидаги

¹“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 23 май сони.

мақсад ва вазифалар белгиланган. Ёшлар ўртасида турли миллат ва элатларнинг урф-одатларини қадрлаш, унга ҳурмат билан ёндашиш қадриятлар тизими билан ўзаро алоқадорликни такомиллаштириш миллатлараро тотувликнинг турли хил стереотипларини бирлаштиришга имкон беради.

Ёшлар ўртасида миллатлараро тотувликнинг муҳим жиҳатларини тарғиб қилиш, тарғибот жараёнида тотувликнинг эстетик хусусиятларини ҳисобга олиш ўз натижасини бериши шубҳасиз. “Ўзбекистонда турли миллат вакиллариининг миллий тарихи, маданияти, тилини, урф-одатларини, ўрганиш бўйича турли тадбирлар ўтказилмоқда, миллий байрамлар нишонланмоқда, тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда”¹. Ёшларда эстетик дидни тарбиялаш, гўзалликни баҳолаш имкониятиниининг ошиб бориши уларга атроф-муҳитда содир бўлаётган жараёнларни воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилишга ёрдам беради. Бу эса ўз-ўзидан ижтимоий муҳитга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Эстетик дидни шакллантириш бирмунча мураккаб масала, сабаби ҳар бир инсон ўзининг эстетик қарашларини амалда тўғри, деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчининг фикрича, ёшларда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг эстетик хусусиятлари қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади: атроф муҳитда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни ҳис қилиш, идрок этиш, тўғри қабул қилиш ва қадрлаш имкониятларида; ёшларда эстетик маданиятни шакллантириш ва тарбиялаш орқали; ўтмиш анъаналар ва аجدодлардан қолган миллий муносабатлар тарихи (бунда буюк аجدодларимизнинг илмий, амалий меросини ўргатиш асосий аҳамият касб этади) орқали; миллатлараро муносабатларнинг эстетик ҳиссий тасаввури билан; ёшларнинг илмий, ижодий, касбий фаолиятини такомиллаштиришда эстетик қонуниятлар ўрнини тушунтириш орқали; ёшлар учун уларнинг эстетик идеалларини шакллантириш орқали; миллатлараро муносабатларнинг ижобий жиҳатларини такомиллаштиришда гўзаллик, нафосат, ахлоқ каби эстетик тушунчаларнинг моҳиятини англаш ва тарғибот ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали мақсадга эришиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбекистон ёшларида миллатлараро тотувликни такомиллаштириш имкониятлари**” деб номланган. Бобда ёшларни тўғри йўлдан адаштириш мақсадида турли ғоявий таъсир воситалари қўлланилаётгани, айниқса, миллатлараро муносабатларда шовинизм, ирқчиликни тарғиб этувчи материалларнинг кўпайиб бораётганилиги очиқ берилган. Бундай салбий ҳолатларнинг таъсири бизга дахлдор эмас, деб қўл қовуштириб ўтириш, ёшларни ёвуз кучлар қўлига топшириб қўймаслиги ўрганилади. Кузатувлар шуни кўрсатадики, дунёда миграция жараёнларининг кучайиши миллатлар ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатаётган асосий муаммолардан ҳисобланади. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, бир давлат фуқаросининг бошқа давлат

¹G‘aybullayev O.M. Milliy g‘oya tarixi va nazariyasi. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2019. – Б. 380.

худудида ишлаши, айрим кучлар учун миллий ёки бошқа кўринишдаги адоватни кучайтириш воситаси сифатида қаралиши мумкин. Иккинчидан эса, фуқаро вақтинча ишлаш учун борган бошқа давлатнинг тили, маданияти, урф-одатларини билмаслиги натижасида маҳаллий аҳоли томонидан унга нисбатан шаклланадиган салбий тасаввурлар ҳам миллий муносабатларда ўзининг негатив таъсирини кўрсатади. Мамлакатимизда “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси”¹ ишлаб чиқилган. Мазкур концепцияда замонавий шароитда мамлакатлар ва миллатларнинг ўзаро боғлиқлиги, инсон ҳаётининг барча жабҳаларида миллатлараро тотувликнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилган. Шу жиҳатдан кўп давлатлар каби Ўзбекистон аҳолисининг ҳам этник хилма-хиллиги, халқлар ва миллатларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳамда маданий алоқаларининг кучайиши давом этмоқда. Бугун замонавий дунёда санъат ва маданиятлар хилма хиллиги тушунчалари кенгайиб бормоқда. Бу турли хил маданиятларнинг мавжудлиги шароитида ёшларнинг турли қадриятларга мослашишини, турли урф-одатларга эга бўлган ёшлар ўртасидаги миллатлараро муносабатларини ва ҳамжиҳатликни такомиллаштиришга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида миллатлараро муносабатлар барча даврлар учун муҳим масала бўлиб келган. Жумладан, аккультурализм, этник аралаштириш, миллатчилик, дискриминация, сегрегация, апартеид, геноцид, сепаратизм, ирредентизм кабилар миллатлараро муносабатларга салбий таъсир этмоқда.

Бевосита миллий муносабатларнинг ёшлар ўртасида таъминланишига яна қуйидаги омиллар ҳам тўсқинлик қилиши мумкин: 1) мамлакатда яшовчи ёшларнинг турли миллатлар урф-одатларидан хабардорлик даражасининг пастлиги ёки йўқлиги; 2) таълим тизимида ёшларга миллий низоларнинг салбий оқибатларини ва миллатлар ўртасидаги тотувликнинг ижобий жиҳатларини тарғиб қилишга йўналтирилган материалларнинг етарли эмаслиги; 3) ёшларда миллий муносабатларни такомиллаштиришда аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибот тизимининг фаол эмаслиги; 4) оммавий ахборот воситаларида миллатлар ўртасидаги тотувликни такомиллаштиришга йўналтирилган дастурларнинг камлигини айтиш жоиз. Тадқиқотчининг фикрича, мазкур масалаларнинг ижобий ечими қуйидаги жараёнлар билан боғланган: 1) кўп миллатли давлатда ёшларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш ва ўзини намоён қилиш имкониятларини ошириш; 2) миллий марказлар томонидан миллатлараро тотувликни такомиллаштиришга қаратилган ҳамкорликни янада кучайтириш; 3) турли миллат вакиллариининг урф-одатларини, уларнинг менталитетини таништириш имкониятларини кучайтириш.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/4597662>

Муаллифнинг фикрича, дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларининг ривожланиш тарихи шуни кўрсатдики, ҳар бир давлат ўз тараққиётида миллатлараро муносабатларнинг институционал тизимини шакллантирмай туриб ривожланишга, барқарорликка эриша олмайди. Масаланинг яна бир томони эса дунёда ўзини демократиянинг юқори чўққисига эришганини таъкидлайдиган давлатларда ҳам миллий масалани тўла ҳал этишда муаммолар мавжуд.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг фикрича, “Агар, миллий эҳтиёжлар инобатга олинмай кейинги қаторга тушириб қолдирилган тақдирда бутун-бутун халқлар ва мамлакатларни анча орқага улоқтириб ташлаган ижтимоий-сиёсий фалокатларга олиб борганини кўрсатувчи мисоллар кўп. Чунки кўпмиллатлилик кўплаб давлатларнинг, балки бутун-бутун минтақаларнинг ҳам ички сиёсий барқарорлигига ва мафкуравий илдизларига зарар етказадиган асосий омил саналади”¹.

Юртимизда ёшлар ўртасида миллатлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг асосий тамойилларидан бири бу миллатлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришдир. Миллатлараро мулоқот маданияти халқлар ва миллатларнинг ўзаро муносабати жараёнидаги маданияти бўлиб, ижтимоий фаолият жараёнида яқинлашиши ва ривожланиши асосида вужудга келади.

Миллатлараро алоқа тамойили – бу ўзаро боғлиқлик ва муносабатларнинг кўриниши, бунда турли миллий жамоаларга мансуб бўлган ва турли диний қарашларга эга бўлган одамлар тажриба, маънавий қадриятлар, фикрлар, ҳис-туйғулар билан фикр алмашиш муносабатларидир.

Мамлакатимизда яшовчи миллат, элат ва этник гуруҳларнинг барчаси ўз миллий маданий урф-одатлари, санъати, анъаналари, тили, конституциявий ҳуқуқий тенглигини таъминловчи ҳуқуқий асослари яратилганлиги ижобий жиҳатлардан биридир. Бунинг мисоли сифатида юртимизда 138 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатаётганлигини эътироф этиш жоиз. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқлилик тамойили амал қилиши қонун билан мустаҳкамланган. Барча миллатларнинг бадий, ижодий тадбирлари, кўргазмалари, бир томондан, айтилганлиги Ўзбекистон фуқароси сифатида ўз ўрни борлигини намоён этса, иккинчи томондан, шу заминда яшовчи барча миллатларнинг Ўзбекистон халқи вакили – Ўзбекистон фуқароси эканлигини кўрсатувчи, мустаҳкамловчи миллий ғоя атрофида бирлашувига олиб боради. “Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, бир мақсад йўлида турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқда, миллий ғояга асосланган кучли

¹Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: 1997: Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 471.

иктисодиёт ва фуқаролик жамиятини юксалтириш борасида эркин демократик давлатни барпо этишга муносиб ҳисса қўшмоқда”¹.

Ёш авлод онги ва тафаккурида миллатлараро муносабатлар шаклланиши ва санъатнинг ижобий хусусиятлари ривожланишида миллий ўзликни англаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ўтказилган социологик сўровнома респондентларга (*қатнашган ёшлар сони 467 та*) “Миллатлараро тотувликни шакллантиришда санъат турларининг қайси бири кўпроқ турли миллат ёшларини бирлаштиради?”, деган саволга ёшлар томонидан қуйидагича жавоб берилди: халқ амалий безак санъати – 42%; муסיқа – 29%; кино – 12%; рассомчилик – 10%; театр – 5%; жавоб бера олмайман – 2%.

Ушбу жавоблардан кўриниб турибдики, халқ амалий безак санъати деган вариантда ёшларимизнинг жипслиги кўпроқ кўзга ташланмоқда. Сўровномада иштирок этганларнинг аксарияти талаба ёшлар бўлиб, уларда асосан амалий фаолиятнинг устунлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Диссертациянинг **“Миллатлараро муносабатлар ривожда санъатнинг эстетик роли”** деб номланган учинчи бобида асримизнинг бошланиши билан инсонлар ўртасидаги “виртуал мулоқот”нинг тезлашиб, кескинлашиб кетиши, ахборот алмашинувдаги чегараларнинг йўқолиши, дунёнинг бир четида рўй берган воқеанинг бир неча сониялар ичида ер юзининг иккинчи бир нуқтасида акс-садо беришида эстетик мотивлар ва имкониятлар ёритилган.

Миллатлараро муносабатларда эстетик мотивация ва имкониятларни ошириш учун жамиятда фаолият олиб бораётган ижтимоий институтлардан мақсадли ва тизимли ишлар олиб бориш талаб этилади. Шу билан бирга миллий ғояга ҳам эътиборни кучайтириш зарур. Сабаби миллий ғоя миллатлар ўртасидаги муносабатларни кучайтиришда кўприк вазифасини бажариши олимларимиз томонидан кўп марта эътироф этилган. Ёшларда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришдаги асосий эстетик мотивлар сирасига эстетик қадриятларни ҳам киритиш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, эстетик қадриятлар замирида гўзалликни ҳис этиш ҳамда санъатнинг барча кўринишларига бўлган ижобий муносабат ётади. Файласуф олим А.Шернинг таъбирича: “Эстетик қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Гўзаллик, улуғворлик, Регистон меъморлик мажмуи, “Шашмақом”, Навоийнинг “Хамса”си, Рафаэлнинг ранг тасвири, Шекспир асарларидаги эстетик қийматнинг қадриятли жиҳатларидир”².

Миллатлараро муносабатнинг ёшлар онгида ривожланишини такомиллаштиришнинг имконияти уларга санъатнинг нозик қирраларини етказиш ҳамда, бадиий адабиётни ўргатишдир. Зеро, мазкур масала аждодларимиз асарларида ҳам ўзининг мукамал аксини топган. “Фарҳод –

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018. – Б. 296.

²Абдулла Шер. ЭСТЕТИКА. Олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари учун тайёрланган дарслик. –Тошкент: 2007. – Б. 182.

Чин ўғлони, Ширин – арман кизи, Шопур – эронлик, Маъсуд – ҳинд, Лайли ва Мажнун – араб, Искандар эса юнон. Уларни юксак инсоний қадриятлар: дўстлик, инсонпарварлик, эзгулик, меҳр-мурувват, муҳаббат, садоқат бирлаштиради. Навоийнинг ахлоқий-эстетик маданиятга оид қарашларида илм инсон хулқини безаши, уни бахтли қилишига оид бир қанча фикрлар мавжуд”¹.

Тадқиқотчининг фикрича, мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожланишида кўп миллатли жамият аъзоларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, миллатлараро муносабатлар ўзаро ҳамжиҳатликни такомиллаштиришга қаратилган фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш қўйилган мақсадларни амалга ошириш йўлидаги асосий механизмлар мавжуд бўлиб, фуқаровий бирдамликни такомиллаштириш кафолати сифатида намоён бўлади. Шунингдек, мустақиллик йилларида яқдил ғоя сифатида шаклланган “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори атрофида олиб борилаётган турли тадбирлар ижобий аҳамият касб этади.

Агар Ер сайёрасининг этнографик харитасига назар ташлайдиган бўлсак, замонавий инсоният бир неча минг турли этник жамоаларни (миллатлар, қабилалар, этник гуруҳлар ва бошқалар) ўз ичига олган анча мураккаб бўлган этник тизим эканлигини кўраемиз. “Ҳозирги кунда бутун дунёда 5000 га яқин халқлар яшамокда, уларнинг 90 % дан кўпроғи кўп миллатли давлатлар таркибига киради. Ер юзида яшовчи барча этник жамоалар 200 дан ортиқ давлатларнинг таркибига киради”². Уларнинг урф-одатлари, маданияти, тили, ўзига хос хусусиятлари бутун инсоният бойлигидир.

